



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил  
1 октябрь  
ШАНБА  
№ 78  
(12.402)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Мухтарам муаллим ва мураббийлар! Кадри устозлар! Авваламбор, сиз, азизларни ўқитувчи ва мураббийлар кунин билан чин қалбимдан самимий табриклар, барчангизга ўзининг эзгу тилакларини билдиришдан бахтиёрман.

Биз учун гоят қадри бўлган ушбу айёмнинг Ватанимиз мустақиллигининг йилгирма йиллик байрами шукҳи давом этаётган шу кутлуг кунларда нишонланаётгани унга алоҳида кўтаринки руҳ ва тароват бағиш-ламоқда, десам, ўйламанки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Мана, 15 йилдирки, мамлакатимизда 1 октябрь санаси – ўқитувчи ва мураббийлар кунин умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Ўртимизда дунёда камдан-кам учрайдиган ана шундай байрамнинг таъсис этилиши, ҳеч шубҳасиз, биринчи навбатда маънавий юксалишнинг асосий гарови ва мезони бўлган зиёлиларимизга, уларнинг энг катта ва фаол қисмини ташкил этадиган минг-минглаб жонқуяр ўқитувчи ва муаллимлар, устоз ва домлаларнинг Ўзбекистонимизнинг бугунги тараққиётига қўшаётган улкан ҳиссасини эътироф этиб, уларга нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтирмининг амалий ифодаси, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Мен жойларда жамоатчилик вакиллари, фаолларимиз билан суҳбат ва мулоқотларда бўлганимда, "Дунё иморатларининг энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг энг улуғи ўқитувчиликдир" деган теран маъноли ибора халқимиз ўртасида кенг тарқалиб бораётганига гувоҳ бўлган. Энг муҳими, ҳаётимиз ҳақиқатига айланган бу сўзлар юртимизда маърифат аҳлининг шаърафли меҳнати тобора қадр ва эътибор топаётганини акс эттириши билан кўпчилик қатори менга ҳам мамнуният бағишлайди.

Шу маънода, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудратини ошириш йўлидаги самарали фаолияти учун Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган барча соҳа ва тармоқлар вакиллари орасида бугунги кунимиз ва келажатимизни ҳал қиладиган таълим-тарбия соҳасини замон талаблари даражасига кўтарадиган, ўз мустақиллиги, ўз дунёқарашига эга, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказадиган фидойи зотлар – ўқитувчи ва мураббийлар ақсарият кўпчилигини ташкил этишини шахсан мен табиий бир ҳол, деб биламан.

Маълумки, Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган, дунё таърихида ўхшаш кам бўлган миллий таълим модели ҳозирги кунда қандай юксак натижалар бераётганини, ижобий маънодаги "портлаш эффекти"га олиб келаётганини нафақат юртимиз аҳли, балки жаҳон жамоатчилиги ҳам ҳақли равишда эътироф этмоқда.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан 12 йиллик узлуксиз таълимга асос солингани, унинг пойдевори бўлмиш умумтаълим мактаблари, ўғил-қизларимизга замонавий билим ва касб-хунар ўргатиб, ҳаётга йўлланма берадиган коллежлар, академик лицейларни ўзида муҳассас этган янги тизимни тўлиқ жорий этганимиз ўзининг амалий самараси билан юртимиз раванқига бекиёс ҳисса қўшмоқда. Бу, ўз навбатида, биз танлаган таълим ва тарбия моделининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини яққол тасдиқлаб бермоқда.

Шу борада Мактаб таълимини

ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида 8832 та мактабда қурилиш-таъмирлаш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилгани, 1537 та академик лицей ва касб-хунар коллежи барпо этилгани, истиқлол йилларида илм-фан сирлари ва замонавий технологияларни пухта ўзлаштирган, юксак малакали кадрларни тайёрлайдиган олий ўқув юртлири сони салкам икки баробар кўпайиб, 65 тага етгани бизнинг бу соҳада ўзгара ҳавас қиладиган улкан марраларга эришганимиздан далолат беради.

Таълим соҳасидаги ислохотларимизнинг ажралмас қисми бўлиб ҳаётимиздан чуқур жой олган дастур ва режаларимиз қаторида юртимизда мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган ишларимиз бугунги кунда ўзининг дастлабки ҳосили ва самарасини бераётгани барчамизни албатта хурсанд қилади.

Бунинг тасдиғини кейинги ўн йил мобайнида ўқувчиларимиз мустақил Ўзбекистон вакиллари сифатида халқро фан олимпиадаларида муносиб иштирок этиб, 150 дан зиёд олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритгани, нуфузли санъат фестиваллари ва танловларида 670 дан ортиқ совринли ўринларни эгаллагани, халқаро спорт мусобақаларида эса 1280 та олтин, 1170 та кумуш ва 1590 та бронза медал соҳиби бўлгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Барчамизга яхши аёни, ҳозирги кунда таълим жараёнларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, интернет тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу мақсадда Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилиб, мультимедиа воситалари, ўқув адабиётлари ва қўлланмаларининг электрон вариантларини яратиш ишлари йўлга қўйилгани, барча мактабларимиз "ZiyoNET" тармоғига улангани ўқув-тарбия жараёнларини бугунги тараққиёт, миллий ва умумшабарий тафаккур ютуқлари билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этиш, уларнинг сифати ва самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мана шундай янги, замонавий таълим тизимини яратиш учун давлатимиз томонидан жуда катта маблағ ва куч-имкониётлар сарфланган, уларнинг ҳажми ва миқдори йилдан-йилга ошиб бораётгани барчамизга баян бўлиб келди, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, умумтаълим, мусика ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ҳамда болалар спортини иншоотларини янги жиҳоз ва анжомлар билан таъминлаш дастурининг 2012 йилга мўлжалланган асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида яқинда қабул қилинган қарорга биноан келгуси йилда айтиш мумкин бўлган 527 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфлаш кўзда тутилаётгани амалга оширадиган ишларимизнинг кўлами ва миқдосини аниқ кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга, мамлакатимиздаги олий ўқув юртлирининг моддий-техник базасини модернизация қилиш, уларни замонавий асосда жиҳозлаш, кадрлар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, ўқитувчи ва домлалар меҳнатини рағбатлантириш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ яқин келгусида бу борада 300 миллиард сўм миқдо-

ридаги маблағни йўналтириш режалаштирилган. Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси Ўзбекистон таълим тизимини янги, юксак босқичга кўтариш йўлидаги яна бир улкан қадам бўлиши муқаррар, албатта.

Азиз юрдошлар! Мамлакатимиз олдида турган, бутун халқимиз қалби, онгу шуури билан англаб етаётган мақсад-вазифалар – дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида ҳаммамиз бир ҳақиқатни чуқур тушуниб олишимизни истардим: замонавий кўефага эга бўлган обод қишлоқ ва шаҳарларни барпо этиш мумкин, иқтисодий лоқомотивлари бўлган йирик корхоналарни қуриш, хориждан юксак ва ноёб технологияларни олиб келиш мумкин. Лекин аввало буларнинг барчасини бунёд этадиган, уларга бамисоли жон киритадиган ҳаётбахш куч – бу ўз билими ва истеъдоди, куч-қудратига суянган, ҳеч қимдан кам бўлмаган, бугун ҳаётга дадил кириб бораётган янги, навқирон авлодимиз, бизнинг фарзандларимиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ана шундай авлодни тарбиялашдек ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган буюк вазифани ўз зиммасига олган, бу йўлда ўзини аямасдан меҳнат қиладиган сиз, фидойи ўқитувчи ва мураббийларга ҳар қанча тасанно айтсак, таъзим қилсак, арзийди, албатта.

Ҳеч қимга сир эмаски, инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, аинқаса, ёшларнинг маънавий дунёсини издан чиқаришга қаратилган турли хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётган бугунги ўта нотинч замонда ўзининг қимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садқат ҳисси билан яшайдиган, иймон-эътиқоди мустаҳкам ёш авлодига мукддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама раванқ топтиришга қодир бўлади.

Сиз, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларимиз фарзандларимизга замонавий илм-фан ва касб-хунар асослари билан бирга, айнан ана шундай юксак тўғу ва фазилатларни сингдириш, маънавий-ахлоқий қадриятларимизни асраб-авайлашда бундан буюк ҳам бор куч-ғайратингиз, билим ва маҳоратингизни аямасиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, такрор бўлса-да, бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтишни ўринли деб ҳисоблайман: ёш қалбларни маърифат ва эзгулик ёғдуси билан мунаварр этадиган, уларни ҳаётга йўллайдиган сиз, мухтарам ўқитувчи ва мураббийлар олдига барчамиз бир умр қарздорлик тўғриси билан яшаймиз. Мен давлат раҳбари сифатида, бугунги кунда эришаётган барча-барча ютуқ ва марраларимизда сизларнинг муносиб ҳиссангиз борлигини, мустақиллигинизни мустаҳкамлаш, Ватанимиз шухратини дунёга таранму этишда фидокорона меҳнатингиз пойдевор бўлиб хизмат қиладиганини чуқур ҳис этадиган инсон сифатида сизларни ўзимнинг энг яқин кўмакчим, маслакдошим деб биламан ва юксак қадрлайман.

Сизларни кутлуг байрамнингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барақа тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлман, доимо омон бўлинг, азиз устозлар!

**Ислом КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти.



## МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 29 сентябрдаги "Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимига алоҳида ўрн қўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол гошларига садқат, миллий ва умумшабарий қад-

риятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонқуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юрдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари – унвонлар, ордени ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган Ўшлар мураббийси** Давлатова Раҳима Урунбаева – Охангарон туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

**"Меҳнат шухрати" ордени билан** Артикова Шарофат Мақомова – Чирчиқ шаҳар санъат-иқтисодий касб-хунар коллежининг иқтисодий асослари фани ўқитувчиси

**"Дўстлик" ордени билан** Нурбаев Нурмаҳамбет Сарсенович – Бўстонлик туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

**"Шухрат" медали билан** Минабаева Саняя Сабировна – Бекобод шаҳар санъат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Муминова Баҳадир Кур**

баналиевич – Ангрэн кимё санъати касб-хунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси

**Назарова Инаятхан Джалоловна** – Олмалик шаҳар санъат касб-хунар коллежининг физика фани ўқитувчиси

**Урунбаева Шахло Шералиевна** – Ўрта Чирчиқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Олмалик қончилиқ касб-хунар коллежи кафедра мудири Шаҳринисо Мўминова таълимнинг интерфаол усуллари, янги педагогик технологияларни жорий этиш борасида алоҳида ташаббус кўрсатмоқда. Изланувчан, ўз касбининг ардоқловчи салоҳияти устозининг ютуқлари "Шухрат" медали билан тақдирланган.

**СУРАТДА:** ўқитувчи Шаҳринисо Мўминова ўқувчилари даврасида. Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

## ПАХТА - 2011

## ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛА

Вилоят пахтазорларида фермер хўжаликлари аъзолари меҳнатини рўбга чиқарувчи дамлар бошланди. Бунинг кунлик терим суръати авж даражада юксалиб бораётганида яққол кўриш мумкин. Барча туманларда қабул пунктларига кунига шартнома мажбуриятининг ўртача 4-5 фоизи миқдорда юқори нав хом ашё топширилмоқда.

Чиноз, Юқори Чирчиқ ва Пискент туманларида эса, кунлик терим суръати 4,5-5,8 фоизга кўтарилди. Ҳар йилгидек, Чиноз тумани фермерлари давлат эҳтиёжлари учун пахта сотиш режасини вилоятда биринчи бўлиб бажариш арафасида-лар. Катта қарвон Бўка, Бекобод туманлари фермер хўжаликлари ҳам бугунги кунгача йиллик шартнома мажбуриятининг учдан икки қисми миқдорини пахта тайёрлашга эришди.

Кўплаб илғор фермерлар анча вақтдан бери шартномага қўшимча ҳосил топшириб, ўз туманлари ва вилоятимиз пахта хирмонининг тезроқ юксалишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Жумладан, Куйи Чирчиқ туманидаги "Тастанов Азамат" фермер хўжалиги ҳозиргача қабул пунктларига шартномадаги 118,8 ўрнига 147,8 тонна хом ашё топширди.

– Далаларимизда ҳали ҳосил мўл, – дейди фермер Эркин Жақипов. – Хўжали-



гимизнинг 25 аъзоси бутун оиласи билан, шунингдек, 80-90 нафар уюшмаган маҳаллий аҳоли вакиллари ердамида теримни давом эт-

тираяпмиз. Мақсадимиз – ҳосилдорлиқни 32 центнердан ошириб, вилоятимизнинг умумий хирмонига муносиб ҳисса қўиши.

## Кунига ўнлаб фермер хўжаликлари шартнома мажбуриятини бажариб, қўшимча ҳосил топшираётганлари ҳақида вилоят пахта штабига хушхабарлар келиб турибди.

**Чиноз тумани**  
"Эргашев Қалмон", "Диёр-Даврон", "Тўхтабой ота набирали", "Раҳматов Абдукарим", "Абдусатторов Абдуқаҳор", "Хусанов Бозорбой", "Абдукарим ота", "Агро Хумоюн фазл", "Усмон-обод", "Чиноз агро фазл", "Мирзагани ота", "Юлдуз ХҲХ", "Дил гий фазл барақа", "Холматов Абдушохим", "Усмонов Султон", "Шарифбой ота", "Файзуллаев И", "Ҳикматилла Йўлдошев", "Қуёшлик юрт", "Болтабой ота", "Яқшилик", "Агманов Султон", "Бахт омад замин", "Дур гаҳвар дурдонаси", "Нодирбек", "Оловуддин", "Абдуқолиқ", "Шоҳжаҳон фазл".

**Бўка тумани**  
"Фарҳод", "Бури ўғли Равшан", "Салоҳиддин Фарангиз", "Агрохитой Лоқин", "Турсунбой Нафосат", "Йўлдошев Омон", "Ҳалимбой Фойипназарович", "Жалолиддин Ҳамидзода", "Арофат Зиё Нур", "Абдуғани Умирбону қорбоғи", "Фарҳоджон Қолижон", "Ҳайдаров Аҳмад қорбоғи", "Бирлик", "Роҳат она ўғли Исмоилжон".

**Юқори Чирчиқ тумани**  
"Баракали хирмон", "Диханбой Ержонович", "Мувозанат", "Хусан-Фазлиддин", "Зоҳиджон Санжарбек", "Латиф ота", "Ли Желя Степановна", "Тангирберди ота", "Раҳимжон тadbиркор", "Тасуай-ота", "Қожажар-ота", "Шухрат Мирзо Улуғбек".

**Оқўрғон тумани**  
"Баҳром", "Баҳмал".

**Пискент тумани**  
"Мадамимбек", "Қодирқуллов Файрат", "Шуқруллаев Шароб", "Рисқулов Учқун Нишонбоев Ж", "Элбек Сарев Анвар Азизова Ш", "Соатов Абдурашид", "Соатов Урозоли", "Ҳабибуллаева Турсиной", "Авазова Муҳаббат", "Дилмурод", "Гулматов Илҳом", "Тоғаев Бердиқул Ризаева М", "Исматов К Отамурод", "С. Қодиров Бобомурод", "Одилов Асадбек", "Ҳайдарова Марғуба", "Абдураимов Исмоилбек", "Ҳақим Палвон Қодиров", "Эсонбоева Динара", "Холбоев Абдуқул", "Маматов Мирқамол", "Қўшбоев Шерали", "Солиева Марзия", "Носирхон ота Йўлдошев", "Эсон ота", "Қодир", "Бердалиев Баҳром", "Турқулов Усмон", "Соҳиба Маҳбуба", "Ватан", "Худойберди Бекзод", "Континент".

**Янгийўл тумани**  
"Азимжон Халима", "Александр Васильев", "Аминовлар меваси", "Аҳмад Фаррух", "Баёт Шай", "Болтабоев Эсенкандер Эркин", "Воҳиджон Ваҳоб ўғли", "Файрат Раҳим", "Дехқон бобо", "Қипчоқ Гурумсарой", "Қомилжон саховати", "Мавлоно Санжар", "Мевазор", "Мукаррам Шаҳзод", "Муфассал", "Муҳаммад Баҳорат", "Пўлатбек Шерали", "Саипназар Алиназар", "Саломат Йўлдош ифтихори", "Ситорахон", "Соҳибек", "Сунбула", "Тўйчи Бунёд зивиси", "Шавкатжон Роҳатқул ўғли".

**Куйи Чирчиқ тумани**  
"Муродбек қизи Марал", "Алатай Ра-

мадан", "Менглиқуллов Эркин", "Нурғали Ергали", "Юсуфжон", "Хумойин Самандар", "Сирожиқдин Агазов", "Темур Замон", "Ғофур", "Анвар", "Қўшнар ота", "Олтин Ҳазина", "Зангар", "Эсон", "Тастанов Азамат", "Ойбек А", "Эргашпўлат агро", "Отажонов Абдулла", "Отажон Умар Бахтиёр", "Чорвадор", "Ақбархон Баходиржон", "Азимов Намжон барақа", "Урал Искандар", "Каримберди Мирзахаким", "Хуришда", "Мустафақул ота", "Қалдаров Илҳом", "Ҳайватқул", "Аҳмадов Бобур агро", "Шарифжон Хусайнзода", "Насриддин", "Эсонов Холиқул", "Ҳаббаров А.", "Шоумурод агро сервис", "Кенжа омад барақа", "Валиева Абдуҳалил", "Равот", "Ҳикматилло агро", "Сулаймонова Каромат ота".

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

## ЗАРУР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги XV сессияси бўлиб ўтди. Унинг ишида вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик қотибият ва гуруҳлари, вилоят бошқарма, ташкилот ва корхона

раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари иштирок этишди. Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.

янги замонавий совутичли омборхоналар барпо этиш, мавжудларини модернизация қилиш мақсадида 2011-2015 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Шу муносабат билан "Ўзлугуржисавдонвест" уюшмаси, корхоналар, шаҳар ва туман ҳокимлари зиммасига аниқ вазифалар юкланди.

Сессияда музлаткичли омборларнинг ҳолати, уларни кенгайтириш ва 2011-2012 йилларнинг қиш-баҳор мавсуми учун қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини гамлаш

билан боғлиқ масалалар бўйича вилоят ҳокими ўринбосари Содик Абдуллаевнинг маърузаси тингланди. Таъкидландики, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини сак-

лашга мўлжалланган 15 та музлаткичли омборхона мавжуд бўлиб, улар 13 минг тонна маҳсулот сақлаш қувватига эга. Бу, албатта, талабга жавоб бермайди. Шу сабабли

(Давоми 2-бетда).



# Қадри ҳамкасблар! ЧИРЧИК ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИ

ЖАМОАСИ

**Сизларни 1 октябрь —  
Ўқитувчи ва мураббийлар кунини  
билан қутлайди.**

**Мустақил Ўзбекистоннинг янги авлодини  
тарбиялаш, ўғил-қизларимизни аждодаларимизнинг  
бой маънавий-маданий меросига,  
умуминсоний қадриятларга меҳр-муҳаббат  
руҳида камол топтиришдек  
шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда  
янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.**



## ШИЙПОНДА УЧРАШУВ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши пахта теримида қатнашаётган ёшлар ўртасида маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида "Ҳорманг, пахтакорлар" лойиҳасини ишлаб чиқди.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳамда "Ўзбекино" миллий агентлиги вилоят бўлими билан биргаликда суҳбат-учрашувлар ўтказилди. Дала шийпонларида суҳбатлар чоғида "Ўқубат", "Алданган аёл", "Ҳақиқат кунини" каби бадиий фильмлар ҳамда "Ватан туйғуси", "Умидли ёшлар", "Ёшлар бахтли бўлиши шарт" ҳужжатли фильмлари намойиш қилинмоқда.

— Биз барча туманларда ҳаракатимиз аъзоларидан иборат "Зарбдор" гуруҳлар ташкил этиб, энг кўп пахта терган ёшларни махсус совғалар ҳамда ташаккурномалар билан тақдирляймиз, — деди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Азамат Камолов. — Шу кунга қадар зарбдор гуруҳларимиз ўрта Чирчиқ, Окўрғон, Бекобод, Куйи Чирчиқ туманларида бўлиб, фермер хўжалиқларига теримда кўмаклашди.

## ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

### ҚОНУНИЙ ҲАЛ БЎЛДИ

Вилоят Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида фуқаролардан тушган шикоят аризаларини атрофлича ўрганиб, қонун асосида ҳал этмоқда. Жумладан, Янгийўл туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти Мавжуда Султоновадан шикоят аризаси олди. Унда ёзилганича, фуқаро 2011 йил январь ойида Янгийўл туман "Фишинвест" МЧЖга 60 минг дона пишқ гишт олиш учун олдиндан 7 миллион 500 минг сўм пул тўлаган. Шу кунгача фуқарога 40 минг дона гишт етказиб берилган. Қолган 20 минг дона гишт вақтида берилмай, фуқаронинг ишлаб чиқарувчига қўйган талаби қондирмай келинган.

Шикоят ўрганиб чиқилганида, ҳақиқатдан ҳам фуқарога 20 минг дона гишт етказиб берилмагани эътироф этилиб, корхона вақтинча ишлаб чиқаришни тўхтатганини сабаб қилиб кўрсатилган.

Етказиб берилмаган гишт яқин кунларда ишлаб чиқарилмаслиги аниқ бўлган, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти талаби билан корхона маъмурияти 20 минг дона гишт учун шу кунги бозор нархидан келиб чиқиб, ҳар донаси учун 300 сўм ҳисобида 6 миллион сўм нақд пулни қайтариб берди.

Юлдахон МУҲИДДИНОВА,  
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

## Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилуш қўмитаси

### Тошкент вилояти бўйича давлат архитектура-қурилуш назорати инспекцияси жамоаси

**Озод ва обод юрт фарзандларини  
ҳар томонлама етук ва баркамол  
инсонлар қилиб тарбиялаш йўлида  
самарали меҳнат қилаётган  
ўқитувчи ва мураббийларни  
касб байрамлари кунини  
билан қизғин қутлайди.**



Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимияти томонидан 2011 йил 30 майда № 004837-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган "TATYANIN-DEN" МЧЖ "TATYANIN-DEN" ХКҲга (ИНН 200906757, ОКОНХ 83100) ўтаётганлигини маълум қилади.

Даво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида Чилонзор, 8-49-15 манзилида қабул қилинади.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан 2007 йилда Мамиров Озод Орзиқуллович номига берилган М № 026113 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утеранный аттестат за № QR-B 042323, выданный в 1998 году школой № 6 г. Янгйюля Ташкентской области на имя Хадиевой Риммы Таусовны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1990-1991 ўқув йилида Айталиева Жамила Сванбаевна номига берилган № 484738 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани (С. Раҳимов) ҳокимлиги томонидан 2006 йил 18 январда 001185 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган (Гувоҳнома рақами 001185-05) "STOMADENT-SUPER" хусусий корхонаси (ИНН 205371381, ОКПО 20536412) **ТУГАТИЛАДИ** (Таъсисчининг 29.09.2011 йилдаги 1-сонли қарори).

ООО "FAVORITE-REALTOR", зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабдского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Кабулков, дом 23-А (ИНН 300957913, ОКПО 22535629), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол собрания № 1 от 30.09.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел. 303-01-71.

Тошкент вилояти Фтизиатрия диспансери жамоаси шифохона бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдувоҳид Содиқович Содиқовга ораси  
**Азиза ОРИФХУЖАЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.



## МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ — БАНКИМИЗ САЛОҲИЯТИ

**Тошкент вилоят аҳолиси ва хўжалик юритувчи субъектларига қулайлик яратиш мақсадида "Ипотека-банк" АТИБ Тошкент вилоят филиаллари томонидан ҳудудда барча турдаги сифатли банк хизматларини кўрсатиш ташкил этилган.**

Ҳозирги кунда филиалларимизда йирик корпоратив мижозларга хизмат кўрсатилиши билан бир қаторда кичик бизнес вакиллари ҳисобланган корхона ва жамиятлар, хусусий тадбиркорларга ҳам сифатли банк хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилган. Жумладан, 2011 йил давомида кичик бизнес вакиллари сифатли банк хизматлари кўрсатилиши ва улар ишончини қозониш орқали кичик бизнес ва-

киллар сони 7,4 мингдан ортиб, шунингдек, "Ипотека-банк" АТИБ Тошкент вилоят филиаллари томонидан кичик бизнес вакилларига жорий йилнинг 8 ойи давомида 28 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилди. Жорий йил якунига қадар кичик бизнес вакилларига 40 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратиб режалаштирилган.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги шартларда банк кредитларини ажратиш ва лизинг хизматларини кўрсатиш кенг йўлга қўйилган:

● **айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар**  
**КРЕДИТ МИҚДОРИ** — мижоз сўровига кўра;  
**ФОИЗ СТАВКАСИ** — йиллик 18-24 фоизгача  
**КРЕДИТ МУДДАТИ** — 12 ойгача, (кредитлар линияси очган ва очмаган ҳолда ажратиши мумкин);

● **Кредит таъминоти** — таъминот сифатида мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови, учинчи шахслар кафилликлари ва бошқа қонунчиликда тақиқланмаган таъминот турлари қабул қилиниши мумкин.

● **кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш**  
**Микрокредит миқдори:** энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваргача;  
**Фоиш ставкаси:** йиллик 12-22 фоизгача (ёш оилалар учун йиллик 12 фоиз);

**Муддати:**

● **Хом ашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда ишлаб чиқариш захиралари харид қилиш учун зарур бўлган айланма маблағларни тўлдиришга шунингдек, савдо фаолиятини амалга ошириш учун айланма маблағларни тўлдиришга 12 ойгача;**

● **Асосий воситалар харид қилиш ва қарз олувчи ўз фаолиятида келгусида фойдаланиш мақсадида қилаётган қурилишни молиялаштириш учун 3 йилгача.**

● **Кредит таъминоти:** таъминот сифатида мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови, учинчи шахслар кафилликлари ва бошқа қонунчиликда тақиқланмаган таъминот турлари қабул қилиниши мумкин.

● **кишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиш учун кредитлар:**  
**Кредит миқдори:** техника қиймати ва лойиҳа миқдорига қараб;  
**Фоиш ставкаси:** техника турига қараб йиллик 12-20 фоизгача;

● **Фойдаланиш муддати:** техниканинг ўзини қоплаш муддатига қараб;

● **Кредит таъминоти:** мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови, банк ёки суғурта ташкилоти кафолатномаси, учинчи шахс кафиллиги, суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслиги хавфини суғурта қилиш тўғрисидаги суғурта полиси ва бошқа қонунчиликда белгиланган таъминот тури (таъминот олинаётган кредит миқдорининг 125 фоиздан кам бўлмаслиги лозим).

● **асосий воситалар харид қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги лойиҳаларни ва ўз қурилишини молиялаштириш учун кредитлар**

**КРЕДИТ МИҚДОРИ** — мижоз сўровига кўра;  
**КРЕДИТ МУДДАТИ** — лойиҳанинг қоплашни муддатидан келиб чиққан ҳолда;  
**ФОИЗ СТАВКАСИ** — йиллик 16-22 фоизгача;  
**КРЕДИТ ТАЪМИНОТИ** — таъминот сифатида мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови, учинчи шахслар кафилликлари ва бошқа қонунчиликда тақиқланмаган таъминот турлари қабул қилиниши мумкин.

**«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛЛАРИ ТОМОНИДАН БАНКНИНГ ҚУЙИДАГИ ЖОЗИБАДОР ОМОНАТЛАРИГА АҲОЛИДАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАНЛИгини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**

«ЭЛГА МАНЗУР» МУДДАТЛИ ОМОНАТИ	Ушбу омонат турига 1 ой, 3 ой ва 6 ойга бўлган муддатга, қўшимча маблағлар қабул қилиш имконияти билан ҳамда йиллик 22 фоиз ҳисобидан даромад тўлаш шартини билан аҳолидан чекланмаган миқдорда пул маблағлари қабул қилинади.
«НАФИС» МУДДАТЛИ ОМОНАТИ	Ушбу омонат турига 15 кун, 1 ой, 45 кун ва 2 ойга бўлган муддатга йиллик 22 фоиз ҳисобидан даромад тўлаш шартини билан аҳолидан чекланмаган миқдорда пул маблағлари қабул қилинади.
«ҚАЛДИРҒОЧ» МУДДАТЛИ ОМОНАТИ	Ушбу омонат турига 3 ой ва 6 ойга бўлган муддатга йиллик 22 фоиз ҳисобидан даромад тўлаш шартини билан аҳолидан чекланмаган миқдорда пул маблағлари қабул қилинади.
«БОЛАЖОН» МУДДАТЛИ ОМОНАТИ	Ушбу омонат турига йиллик 12 фоиз ҳисобидан даромад тўлаш шартини билан болалар номига (18 ёшга тўлгунча қадар) аҳолидан чекланмаган миқдорда пул маблағлари қабул қилинади.

"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банкидаги омонатчилар пул маблағларининг дахлсизлиги 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқороларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида" ги Қонунига мувофиқ тўлиқ кафолатланган бўлиб, мижозларнинг биринчи талабидеаёқ уларнинг омонатла-

ридан пул маблағлари ҳеч қандай тўсиқсиз берилиши таъминланган. Омонатнинг эгаси ва омонат бўйича бошқа маълумот банкимизда сир сақланишига кафолат берамиз. Шунингдек, аҳоли томонидан омонатларга қўйилган маблағлар ва улар бўйича олинанидиган даромадлар даромад солиғига тортилмайди.

# XXI ва дунё

## Йўқолган самолёт бутун топилди

"Синьхуа" агентлиги индонезиялик кўтарувчилар бир кун аввал радар экранидан исзис гойиб бўлган самолётни мамлакат гарбида топганлари ҳақида хабар тарқатади.

Кўтарувчилар ҳалокат юз бериши мумкин бўлган тахминий жойни ҳаводан туриб кузатиш чоғида ерга қўнаётган пайтда самолётга ҳеч қандай шикаст етмагани аниқлашди. Бирор кишининг тирик қолган-қолмагани ҳақида ҳозирча ҳеч қандай асосли хабар йўқ. Самолёт ўтиб бориш қўйин бўлган ҳудудда ҳалокатга учраган бўлиб, кўтарувчилар ҳали у ерга етиб борганлари йўқ.

Медан-Кутакан йўналишида учиб бораётган самолёт бортида экипаж аъзоларини қўшиб ҳисоблаганда 18 киши бўлган.

Самолёт нима сабаб бўлиб ҳалокатга учрагани ҳали номаълум.



## Суд гэс қурилишини тақиклади

Бразилиянинг Федерал суди ҳажми жиҳатидан дунёда учинчи бўладиган Belo Monte гидроэлектр станцияси қурилишини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди.

AFP агентлигининг шў ҳақида маълум қилишича, суд ўз қарорини қуриладиган ГЭС Амазон-канинг туб аҳолиси балиқ овлашига ҳалал бериши билан изоҳлади. Суд қарорига мувофиқ ушбу минтақада "порт қуриш, портловчи моддалардан фойдаланиш, тўғон қуриш, канал қазиб" ҳамда Шингу дарёси ўзанига зарар етказадиган бошқа ҳар қандай фаолият тақиқланган. ГЭС ҳам айнан шу жойда бунёд этилапти. Қолаверса, экологлар ва маҳаллий хиндулар ҳам бу қурилишга қаршилик килдилар.

## НИГОҲ

# СИЁСАТДА ДҮСТ ЙҶҚ, МАНФААТ БОР

Халқ эрталаридаан бирида ҳикоя қилинишича, уч даҳрат кесувчи учрашиб қолиб, ўрмонда бирга тунашга қарор қилишибди. Катта даҳрат остида гулхан ёқибди. Ҳамир қоришиб, нон пишириш мақсадига товага солиб, оловга қўйибди.

Шу пайт ноғоронда пайдо бўлган чумоли улардан бирининг диққатини ўзига тортди. Иккинчи даҳрат кесувчи келиб шерининг ёнига чўкибди. Учинчи шериклари ҳам томошадан четда қолмабди.

Уч ҳамкасба чумолининг ўрмалашини томоша қилишга шунданки берилиб кетишибдики, гулхан ҳам, Ҳамир ҳам эҳсан қилди. Нон куйиб, кўмирга айланмади. Гулхан обдон гуруллаб, даҳратга ўтиб ва пировардадан ундан бирталай қул қолибди, холос.

Даҳрат кесувчилар юз берган аҳмоқона ишда бир-бирларини айлаб, сўкинишга тушибди. Бироқ, охирида ҳамкасба чумоли айбдор деган хулосага келишибди: "Аблах ўрмаловчи бейвак-бемаврид бу ерда бало бормиди!.."

Киргизистон парламентида юзага келган бугунги вазият ўша халқ эртанини эслатади. Ававалига парламентчилар амал курсиси ва портфелларни бўлашиб олишди, кейин боқиевчиларнинг миллионлари қаёққа йўқолганини ўз ва хуно бўлиб муҳокама қилишди.

Халқнинг аҳоли билан эса ҳеч кимнинг иши йўқ. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хулосасига кўра, Киргизистоннинг 1,4 миллион аҳолиси озиқ-овқат танқислигини бошдан кечирмоқда. Бу йил эса, сурункал тўйиб оқват емаётганлар яна 340 минг кишига кўпайиши мумкин. Сиёсий шовшувни авж пардага чиқараётганлар бу муҳим ҳаётий масалани унутиб қўйишган.

Албатта, сиёсат – жуда нозик масала. Бу ўринда дўст деган га бўлмайди, ҳар бир сўз-ҳаракат замирида фақат манфаат ётади. Депутатлардан ҳеч ким самимиётликни, ҳолисликни талаб этмайди. Ўз фикр-мулоҳазасини баён этиш ва режалари билан ўртоқлашиш эса, хатардан ҳоли эмас. Бироқ, сиёсий фаолият жамоатчилигининг кенг қатламлари орзу-умидлари ва гам-ташвишларини ўзида акс эттирмаса, фақат тор доирадаги шахсларнинг манфаатларини қондиришга бўйсундирилган бўлса, дедим бундай сиёсат тўтов-сиз ёлгонлар, хийла-найранг ва бейбиланс фойда қўришга асосланганлиги аниқ. Вазият бошқача ривожланиши мумкин эмас. Негаки, бун-

Мана энди янги тахмин. Киргизистон жамоатчилиги ва сиёсатчилардан бир қисмининг фикрича, демократия тўғрисида юз бераётган ҳамма фалокатларнинг сабаби давлат байроғининг рангига яширин Тинчлик-севаф фуқароларни газаб-лангиранидан, қалбларидан галаён уюлтиб, исёнга ундайдиган асосий иллат ўша ноҳуш ранг. "Қизил ранг" – уруш ранги. Бундай рангга байроқ босқинчилик тисмоси. Киргизистонда тўтов-сиз инқилоблар юз бераётганининг сабаби шу, шунинг учун биз сурункали "эртга кетиш" ва фалаж ҳолатидан қутула олмаётганимиз балки? дея ўзига савол беради "Ата Мекени" партиясидан Жорж Кенеш депутати Қарғанбек Самаков.

Давлат байроғини ўзгартириши хоҳловчилар қўллаб топилди. Таклифлар жаладек ёғилди. Гўё депутатларнинг ҳозир бундан-да, муҳимроқ, долзарброқ вазифалари йўқдек. Ҳолбуки, байроқни алмаштириш оз эмас, кўп эмас, 250 миллион сом талаб этади. Бюджетнинг тағи эса, шундоқ ҳам тешиқ. Халқ вакиллари мунозаралар учун қанча вақт сарфлашмасин, барбир бахс-мунозаралар бош вазир Алмазбек Атамбоевнинг ўзи нукта қўйди. Жамоатчилик телерадиокорпорацияси журналистларига берган интервьюсида ҳукумат раҳбари айтдики, "Бугун мамлакатда давлат рамзлари, хусусан, байроғини алмаштиришдан кўра, зудлик билан ечимини кутаётган бошқа муҳимроқ муаммолар етарли".

Парламентчиларнинг қимматли вақтлари беҳуда ўтмаяпти. Ҳозир сайловчилар кейинги кунларда сиёсатчиларнинг диққат-эътибори нималарга қаратилишини зорикиб қутушапти. Бахс-мунозаралар қайси мавзуларда кечилишини аҳамияти йўқ. Халқ аллақачон тушуниб етди: мамлакат ичкарисидан қандай тўс-тўполонлар, ижтимоий ёки техногенми, содир бўлмасин, барбир киргизистонлик сиёсатчилар "бош айбдор" ларни топадилар. Аммо, нима учундир қутилмаган вақт ва қутилмаган жойда пайдо бўлаверадиган ўша чумоли айбдор бўлиб қолаверади. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ислохотларга келсак, бу масалага ҳали-бери навбат етмаса керак.

Айман АБЕЛДИНОВ. «Белый Парус», интернет-газета.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

## ВАКИЛЛАРИМИЗНИНГ БОКУДАГИ ҒАЛАБАЛАРИ

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Жасурбек Латипов ва Орзубек Шоимов ўз вази тоифасидаги беллашувларни муваффақиятли бошлади. Қатор халқаро турнирларда шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган 20 ёшли Жасурбек жон чемпионатидаги дастлабки учрашувда жазоирлик Самир Брахимини мағлубиятга уратди. Энди у 52 килограмм вази тоифасидаги беллашувларнинг кейинги даврасида беларуслик Иван Фигуренкога қарши рингга чиқади.

56 килограмм вази тоифасидаги бахсларда АИВА президенти кубоги соҳибни Орзубек Шоимов украинлик Микола Буценко устидан зафар кўчди. Орзубек навбатдаги жонда венесуэллик Анхел Родригес билан беллашади. Мусобақада ўн вази тоифасида чорак финалга чиққан боксчиларга олимпиада йўланмалари берилади.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

## ШАНБА ФЕЛЬЕТОНИ

Содиқ хўрознинг гапи даврадагиларни ўйлантириб қўйди. Ҳамма сукутда, ўз хаёллари билан банд. Ана, Карим куруқ ҳам оғзи-га сув олгандек жим, дас-турхон попугини ўйнаб ўтирибди. Ҳақим оқсоқолнинг чап мўйлаби учиб, гоҳ у ёнига ёношлайди, гоҳ бу ёнига. Ахир, Хўрознинг гапини бевосита ўзига отилган тош деб билаяпти-да. Бир томони – шу воқеа Оқсоқолнинг маҳалласида рўй берди. Ўзи катта-кичик йиғинларда ундай бўлсин, бундай қилинсин, деб қариллаб юрган бўлсаю, келиб-келиб унинг маҳалласидаги куда қақир-қақ кирката чопон кийдирилса?! Валломат Туробхўжабой қувётга олоққина "Нексия" калитини тутказ-са! Яна бу куда қақир-қақ келган юз элли-юз саксон эрқагу аёл, маҳалла томошахўрлари кўз ўнгида содир бўлса!..

Содиқжон, андак андиша бўлиши керак одам деганда... Ҳалим домланинг бу лўқмасини биров эшитди-бироз эшитмади. Лекин Хўроз бир тўлғониб қўйди: – Нима, айбим гапнинг индалосини айтганимми?! Унинг қақилдоқ овози даврадагиларни хаёл уммонидан олиб чиқди. – Домланинг гапини но-тўғри тушундингиз, Содиқжон, – деди Қўбил калта. – У киши фақат бироз юз-хортиричлик ҳам керак, демократия... – Тўғри, – деди Самик дангал. – Тил сукутсиз бир нарсас, Содиқ ука. Қўйворсанг, нималар демайди. – Қолаверса, бўлиб ўтган ўша воқеа учун Оқсоқолга таъна қилиш яхши эмас, – Калта сочинки тах-лаб қўйиб, чойни бир бошдан қуя бошлади. – Туробхўжага ўшаганлар вақти келса, хожимини ҳам эламай қўйяпти-ку, Оқсоқолнинг гапини оларимди. – Ҳа, энди Ҳақим аканинг оқсоқоллик обрўлари... – Келинг, шу тортишувга чек қўйяйлик, – бовдан бўён жимгина ўтирган Асом гадаг бир тўлғаниб олди.

## ҲАЙЁМ КАРНАЙ ЧАЛДИРАДИ

Умар Ҳайёмнинг шоғирдлари орасида Абу Саҳбод деган масжид имомни ҳам бор эди. У буюк алломадан фойда, яъни дин илмидан сабоқ олди. Имом Ҳайём-нигига келганда устозини мактаб тилғамалик қиларди.

– Сизни менга худойимнинг ўзи етказди. Сизни пири муршид деганман. Жанобларини у дунё, бу дунё дуо қилгайман. Риекор имом уйда шундоқ дерди-ю, масжидга борганда Ҳайёмнинг ғийбатини қиларди:

– Фоят такаббур-да, бу Ҳайём деганлари. Тили заҳар. Одамни пашша ўрнида кўрмайди. Боз устига даҳриёна байлар битиб, шарирати Мустафога шак келтирадур.

Умар Ҳайём жоҳил имомнинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлди. Бир кун ховлисига карнайчи-сурнайчиларни чорлади ва нодон имомни кутиб ўтирди. Имом эшикда кўриниши билан Ҳайём чалингар, дея карнайчиларга ишора қилди. Карнай-сурнай овози этти осмонни тутиб кетди. Не бўлди экан, деб олимнинг ховлисига оломон тўпланди. Ҳайём карнайчиларга дам берди-да, халойиққа юзланди.

– Биродарлар, мана бу нонқўр имом неча замондирки, каминадан таълим олади. Уйимга келса, мени мактаб оёғимни ўлмоқ истайдир, вале масжидга чиқса, бизни ёмонлаб, бетимизга лой чалмоқчи бўлади. Бундоқ ноқасни не қилмоқ керак, айтинг, ахли жамоа? Йиғилганлар юзи қора имомни енгидан судраб, уйдан Ҳайёмни чиқарди. Саъдулла СИЁЕВ.

## ХИТОЙ ХАЛҚ ҲИКМАТЛАРИ

Хотиржам кишига қапа ҳам жаннатдек туюлади. Бош кўтариб одамлардан садақа сўрагунча, Бош эгиб она ердан ҳиммат тила.

Фарзандларнинг ота-онасига ҳавас қилганидан кўра, ота-онанинг боласига ҳавас қилгани яхшироқдир. Қариганда қашшоқ бўлмай десанг, ёш вақтингда меҳнатдан қочма.

Тан жароҳати кетар, Сен дил оғригини даволашни ўйла.

Меъёрни билмаган одам бой бўлса ҳам азобдан қутулмайди.

Қарзи йўқ кишининг уйқуси ширин.

Бировларни алдаган кимса аввало ўзини алдаган бўлади.

Яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам бошида бир парча мовий осмон, чарақлаган офтоб бор. Кўнглингни кенг қил.

# АСОМ ҒАДАНГ ИМ ҚОҚДИ

лини олганда, нима, ўша маслаҳатни қулоққа олиб, зарар кўрдингми?

Хўроз сувуқ сувга шўнғиб чиққандек бўлди. Ўзини оқлаш учун оғиз жуфтлаган эди. Домланинг кўзла-ри бир юмилиб-очилганини кўриб, тилини тийди. – Биласиз, кечагина на-бира келин олдим, – хамиша бир бурчақда сўхтага жимгина қулоқ осиб ўтиргувчи Дамин муҳандис қад-дини рўстлади. – Ававал бошдан куда билан ҳаммасини келишиб олдик. Куданикидаги ошдан кейин ўғлимни даврага таклиф қилишди, тўн кийгизишди. Хайр-хўшлашди, машиналарга ўтирдик. Йўлда укамнинг кайфияти йўқлигини сезиб қолдим. "Нима гап?" деб сўрасам, "Жамоат олдиде эрга кириб кетай дедим" дейди. "Хўш?" "Нахотки, уч-тўрт чопонга қурб етмади қудангизинингми? Етди укагинам, – Хор бўлди, уятга қолдик, ака".

Домлага, бир Оқсоқолга қараб қўйиб, сўзини давом эттирди. – Шаҳарга, жияниникига тушгандим. Бир гапни эшитиб, хаёлим қочиб қайтдим. Кўшн қиз қувё бўлгунчи бола билан учрашувдан келиб, ертўлага тушипти-да, ўзини оспити. Яхшиям, янғаси хушхўрлик қилиб қолпти. Айтишларича, қувё учрашувда: "Отанг шаҳар марказидан ҳовли олиб берсин. Гаражида машинаси бўлсин" деганими.

Даврага яна жимлик чўкди. Шу пайт кеча кўшни қишлоққа, тоғавач-часининг келин тушириш тўйига кетган Ҳамид инжиқ чойхонада пайдо бўлди. Ғадангнинг гаплари қуло-гига чалинган экан, ўти-раётти: – Э-э, мулла Асомиддин, – деди. – Ҳозир Белтепадан келаяман. Қайимни тўй қилаётувди, тўхтади. Ниҳоят ошдан чиқшида куда томон қайини елқасига чопон ташлади. Зеҳн солиб турувдим, қайинининг ранги гезариб, бароқ қош-ларни чимирилиб кетди.

Лекин уйга етиб келгунча, "мик" этмади. Ховлига кирасолиб, чопонни пеш-воз чиқаётган хотинининг оёқлари остида отди: "Кўриб қўй, толган қудан-нинг кўрсатган қароматини!" деса бўладими?! Хотин ҳам қарилдоқ эмасми, ўн гапни кўндриб, қўл те-лефонини қулоққа тутди: "Марҳаматой, бу нима қил-ганингиз, ахир. Орзу-ҳавас билан тўй қилаётган эдик. Нахотки, бирор куртками, тузуқроқ плаш-пальтони эримга муносиб кўрмасанг-лар?! Шунчама оқибатсиз бўладими одам хам!.."

Ховли тўла одам, ханг-манг бўлиб турибди. Аёл куда ҳам хил тили ўткир-ми, телефон орқали даҳанаки жанг қалтирлашиб борди. Қайим ҳам турибди гезариб. Охири чидай олмадим: "Ҳой келин, бўлди қилинг!" дедим. Қаёқда! Обдон "жанг" қилишди. Бир-бирларига нималар дейишмади. Охи-ри: "Жуда соз, – деди келин телефонга. – Ўзи ишни бошлаб қўйиб, кўнглим тўлмаётганим. Бугунги қурумсоқлигингиз тоқати-ми тоқ қилди, – у қарши томоннинг гапларини би-роз эшитиб турди-да, – ажаб иш бўпти, – деди. – У ёқ – у ёқ, бу ёқ – бу ёқ бўлгани яхши. Кўз уруғи қуриб кетгани йўқ. Кўча тўла қиз! Кимлар бизга куда бўлишни хоҳламай-ди?!"

Куда томон бир нима деди шекилли, келин гезариб кетди: "Отинг ўчур" деб хайриди. Хуллас-ка-лом, тўй бўзилди... Инжиқ даврага бир-бир қараб чиқди. Ҳамма жим ўтирарди. – Қисқаси, Биз – кекса-лар тўқлика шўхлик қи-лаётган, орзу-ҳавас деб ин-софни унутиб қўётганлар-ни тартибга қақириб тур-масак бўлмайди, – деди ниҳоят Домла.

Ғаданг анхорда оқиб ўтаётган кузининг сарғиш баргларида кўзини узиб, бошини кўтарди, им қоқди: – Жуда тўғри айтдингиз, Халимжон ака. Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 июндаги 403-ф-сонли фармойиши ҳамда "Республика кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ акциядорларининг 2011 йил 19 августдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан "Республика кўчмас мулк биржаси" ЁАЖнинг номи "Respublika mltk markazi" YoAJга ўзгартирилди.

Мазкур ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган жамиятнинг устави Олмазор туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2011 йил 23 сентябрь кунини давлат рўйхатига олинди. Шунингдек, жамият қайта рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида 006231-сонли гувоҳнома берилди.

Ушбу уставга ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 июндаги 403-ф-сонли фармойишига мувофиқ жамиятнинг асосий фаолият тури сифатида хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлар, автотранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк ҳисобланмайдиган бошқа мол-мулкларнинг аукцион, танлов, оферта ва тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа савдоларни ташкил этиш белгиланганлигини билдиради. «Respublika mltk markazi» YoAJ бошқаруви.

## РАССОМ ХАНДАСИ



Чилонзор туманида рўйхатга олинган "MURDOBEEK FAYZ MEBEL" масъулияти чекланган жамияти (СТПР 301425079) ўз-ўзини тугатишни маълум қилди. Маълумот учун тел.: 476-01-06. ЧП "SHUNHAT-GUVEN-ALMINYUM" (ИНН 301378343) Олмазорского района. Ташкента ошбадот преобразовани в ООО "SHUNHAT-GUVEN-ALMINYUM". Олмазор тумани ТСПҲИ томонидан 2011 йил 22 апрелда 005105-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган Олмазор тумани, Елқин кўчаси, 7-уй, 51-хонада жолашган "MUKSIN BARAKA" масъулияти чекланган жамияти (СТПР 301963028) ТУГАТИЛАДИ. Давлолат 2 ой муддатда қабул қилинади.

ДП "OSK-Capital" (ИНН 300306456), регистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского района г. Ташкента за реестр. № 003280-03 от 06.07.2008г., находящийся по адресу: Юнусабадский район, ул. Истикбол, дом 34. ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня публикации объявления по тел.: 387-30-88. "ERKINLIK-NURI" хусусий корхонасининг ташкилий ҳуқуқий шакли "ERKINLIK-NURI" масъулияти чекланган жамиятига айланишини маълум қилди.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**  
Муассис:  
**Топшкент вилояти ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир**  
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манъилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
**Телефонлар:** Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Ўзлонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида теришти ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувларлаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Жўра САЪДУЛЛАЕВ**  
Навбатчи **Юлдузхон МУҲИДДИНОВА**  
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДУХҲАЕВ**